

ДИЛАФГОР АДАБИЙ МЕРОСИ ИЛМИЙ ТАДҚИКИ

Собир Мансуров

ТошДЎТАУ катта ўқитувчиси

Шоир Дилафгор шеърляти мавзулар бўйича тасниф этилса, адиб эстетик идеали қандай йўсинда ўсиб борганлигини кузатиш имкони туғилади. Шоирнинг ўз ҳисобидан Яковлев типографиясида нашр этилган “Гулшани Дилафгор” тўпламига 23 ғазал, 20 мухаммас, (1 мувашшах), 3 мусаддас, (1 таржеъбанд), 1 чистон ва 2 фард киритилган.

Бу ҳақда Дилафгор шеърларини нашрга тайёрлаган Адҳам Маматқулов ва Жалолиддин Жўраевларнинг шоир ижоди юзасидан билдирган қуйидаги фикрлари айни ҳақиқатдир: “Дилафгорнинг маълум шеърлари мумтоз адабиётда шаклланган анънавий жанр ва мавзуларда битилган. Уларда Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Фузулий, Ҳувайдо, Ҳазиний каби ижодкорлар асарларининг таъсири сезилади”¹⁴. Дарҳақиқат, Дилафгор ҳақиқий мусулмон фарзанди, қолаверса, шоир сифатида ўз салафларига эргашган.

“Дилафгор шеърляти Ҳазиний шеърларига яқин туради”, – деб ёзган эди Пўлотжон домла Қайюмий, шоир ижодига мумтоз адабиётимизнинг қайси вакили таъсири кўпроқ эканлигини қайд этиб. Қайюмий домланинг бундай хулосага келганини қуйидаги омиллар билан боғлаш мумкин:

*Ишиқинг ўтига, жоно, бағримни чу доғларман,
Тиг остида ўлмоғни Тоҳир каби чоғларман,
Ҳажрингда Дилафгордек васлингни сўроғларман,
Найлайки иложим йўқ, ҳар кўчада йиғларман,
Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отгунча.*

Биринчидан, бу ғазал ўз даврида жуда машҳур бўлган. Ҳатто Мирзакалон Исмоилий ҳам ўз романини “Фарғона тонг отгунча” деб номлагани ҳам бежиз эмас эди. Ҳазинийнинг “Фарғона тонг отгунча” ғазалига Дилафгорнинг мухаммас боғлагани Пўлотжон домла Қайюмийни юқоридаги хулосага келганига ундагандир, эҳтимол. Қолаверса, “Гулшани Дилафгор” тўплами ноширларининг қуйидаги хулосалари ҳам фикримизни тасдиқлайди:

“Шубҳасиз, Муқимий, Хислат, Камий каби шоирлар иштирокидаги адабий суҳбатлар Дилафгор дунёқараши, ижодидаги ранг-барангликнинг шаклланишига ҳам замин бўлган. Жумладан, унинг асарларида Муқимий ҳажвиёти, Хислат ва Камийларнинг миллатпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари билан ҳамоҳанг мисраларни ҳам учратамиз”¹⁵.

¹⁴ Маматқулов А., Жўраев Ж. Дилафгор ва унинг адабий мероси ҳақида. // Гулшани Дилафгор. – Тошкент.: МУМТОЗ СО‘З. 2011. – Б. 7.

¹⁵ Маматқулов А., Жўраев Ж. Дилафгор ва унинг адабий мероси ҳақида. // Гулшани Дилафгор. – Тошкент.: МУМТОЗ СО‘З. 2011. – Б. 7.

“Гулшани Дилафгор”даги лирик асарларни ўрганиш асносида шу нарсага гувоҳ бўлдикки, шоир мадраса таҳсилани кўрган фозил, нуктадон, шеър илмидан хабардор инсон бўлиб, асарларида ўз истеъдоди ва салоҳиятини кўрсата олган. Дилафгор ўзбек мумтоз шеъриясида шоирларга йўлдош бўлиб келган мавзуларни четлаб ўта олмади. У ҳам ўзидан олдин қалам тебратган салафлари анъаналарини давом эттиришда ўз даври илғор ғояларига таянди. Шоир шеъриятининг мавзу кўлами кенг ва ранг-барангдир. Дилафгор лирик асарларининг каттагина қисмини ғазаллар ташкил қилган бўлиб, улар ифода шакли ҳамда мавзусига кўра ҳам турличадир.

Маълумки, Дилафгор яшаган давр адабиётимиз тарихида “Миллий уйғониш даври” деб юритилади. Албатта ҳар бир ижодкор асарида у яшаган давр, муҳит қайсидир жиҳати билан бўй кўрсатади. Биз бу ҳолни Дилафгор ижодида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Шунга кўра шоир лирик асарлари мавзу кўламини *тасаввуфий руҳ ва мазмунни ифодаловчи, диний-маърифий, илм - маърифатни тараннум этувчи, севги-муҳаббат куйланган, ижтимоий муаммолар ёритилган шеърлар* тарзида ажратиш мумкин.

Дилафгор Яратганга чин эътиқод қилиш баробарида ўз гуноҳларини кечиришини сўраб муножотлар битган:

*Ғарибмен, бенавоман, зам била қадим дуто, ё Раб,
Жунун даштида ётган музтариб ҳолим табо (ҳ), ё Раб.
Карамлик подшоҳим, сендин ўзга такягоҳим йўқ,
Тилаб матлабни келдим дарғаҳингга мен гадо, ё Раб.*

Дилафгор бир неча муножотлар туркумини яратди. Шоир муножотномалари ҳам мумтоз адабиёт вакиллари асарлари сингари бир қатор фазилатлардан холи эмас. Ана шундай хусусиятлардан бири - банданинг чин дунёга имон билан бориши масаласидир:

*Тавба қилдим, тавбаи мақбули ҳидоят айлагил,
Фазли эҳсонинг ман осийга иноят айлагил,
Бул муножоти Дилафгорни ижобат айлагил,
Раббано, фазфирлано, эй Холиқи ҳар ду жаҳон,
Айласам риҳлат бу оламдин, йиборғил боиймон.*

Мусулмон Шарқида чаҳорёри босафолар айтган ҳикматли гаплари мазмунида асарлар битиш анъанага айланганлиги маълум. Масалан, Ҳазрати Али (карамаллоху важҳаҳу)нинг “Насру-л-лаолий” асаридан илҳом олган мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзининг “Назму-л-жавоҳир” дея сўз дуру жавоҳирларини терган. Дилафгор ҳам Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ муножотларига тахмис боғлаган. Бу тахмис “*Кеч гуноҳимни баҳаққи Ҳазрати Одам халил*”, - мисраси билан бошланиб, шоирнинг Аллоҳга бўлган чин тавбаси, таваллоси, ихлос билан айтган муножоти сифатида жаранглайди.

Дилафгор пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га чин уммат эканидан сарвари коинотга бағишлаб муносиб наът бағишлайди. Ғазал қуйидаги матлаъ билан бошланади:

*Зиҳи шоҳи араб, моҳи ажам, ул саййиди барно,
Худо Қуръонда айди васфинга “Ёсин” илан “Тоҳо”.*

Дилафгор ижодининг мумтоз адабиётимиз намуналаридан озикланиши табиий ҳол бўлиб, Машраб шеърляти ҳам унга беҳад озик берганини таъкидлаш керак. Маълумки, Машраб адабиётимиз тарихида ўзига хос йўналишда ижод қилган ҳамда “Қаландария” сулуки асосчиларидан ҳисобланади. Машраб ижоди илоҳий ишқни куйловчи шеърлят экани ҳам барчага маълум. Унинг:

*Ҳар кишининг дарди бўлса йиғласин ёр олдида,
Қолмасин армон юракда этсин изҳор олдида,-
ғазалига Дилафгор куйидагича тазмин боғлаган:
Телба кўнглум кўз тутар, фурсат топиб ёр олдида,
Айласам ҳижрон ғамин фил-жумла изҳор олдида,*

*Ўртаниб куйсам тонг эрмас, рашкдин аҳбоблар
Ғайрлар базми Скандар тузса дилдор олдида.*

*Ваҳ нечун ўлмай тириклай, шомдин то субҳидам,
Бўлсалар доим рақиб эли чаманзор олдида.*

*Ҳар замон этсам тавозеъ, ер ўпуб қилсам салом,
Бир каломни хуш эшитмайман вафодор олдида.*

*Дил ҳавас айлар ани лаъли лабидин бўса,
Ақл айлар беадад андиша бул кор олдида.*

*Айтингиз, аҳбоблар, раҳм этмаса ҳолим кўруб,
Ҳажрида қилсун шаҳид қоним тўқуб ёр олдида.
Куймасунму нотавон жони, Дилафгор, оҳким,
Сўхбат этса доимо ул шўх агёр олдида.*

Дилафгор ижод намуналари ҳам ўз замондош шоирлари шеърлари каби миллат туйғусини шакллантиришда ўзгача аҳамият касб этади. Айниқса, унинг миллат ҳақидаги шеърлари Ҳамза, Абдулла Авлониёларнинг шу мавзудаги шеърляти билан ҳамоҳанг:

*Тун-кечалар чойхонада айтиб ҳамиша сафсата,
Кўк чой ичиб, шилқиллашиб ҳеч иш қилолмаймиз ҳануз.*

Ёки яна бир шеърда илмни тутган тараққиётдан мосуво қолмаслигини куйидагича баён этади:

*Симсиз ҳавода телигроф юргузди илму фан илан,
Биз бодпарак, бедонадин ўзга билолмаймиз ҳануз.
Ул Ё (в)рупо одамлари илм йўлига айлар жадал,
Бизлар чафан, кўкрак очуқ, маҳрам бўлолмаймиз ҳануз.*

Бу ғазалда Ҳамза шеърларига хос ҳамоҳангликни кузатиш мумкин. Маълумки, Ҳамза Ҳакимзоданинг бир қанча ижтимоий-сиёсий шеърларида европа илм туфайли борган сари тараққиётга эришаётганлиги таъкидланади. Жумладан, шоирнинг 1914 йилда ёзилган “Ватандошларима хитоб” шеъриси бундай дейилади:

*Ғафлат уйқусидин кўзунг оч, боқ замона,
Илм ила маориф тутуни тўлди жаҳона,
Солди ҳама миллат бу маорифга хазона,
Биз миллат этуб ор ила номуси баҳона,
На мактаба илм ўлди, на бозорда тижора,
Хушк ўлдугимиз боисидин бўлди касолат.¹⁶*

Маълумки, Ҳамза ҳам бошқа жадидлар сингари миллатни ғафлат ва жаҳолатдан уйғотишни мақсад-матлаб деб билган, халқни басоратга – дунёга очиқ кўз билан қарашга даъват этган, илм ила маорифдан баҳра олишга чақирган. Шоир ғазалларида илоҳий муҳаббат, сўфиёна севги мотивлари ҳам куйланади.

Лирик қаҳрамон ёрсиз бир нафас ҳам нафас олиши қийин. Мудом унинг хаёли билан яшайди. Айниқса, шоирнинг “Сенсиз” радибли ғазали ўзининг ўйноқилиги, енгил ўқилиши билан ажралиб туради. Шеър матлаби куйидагича:

Хулоса қилиб айтганда, “Гулшани Дилафгор” тўплами ноширлари Дилафгор ижодида Муқимий, Хислат, Камий каби шоирларнинг таъсири кучли бўлган деган хулосаларга келишсада, аслида шоир шеъриятининг мавзу кўлами анча кенгрокдир. Дилафгорнинг ҳақиқий мусулмон фарзанди сифатида ҳазрати Абу Бакр Сиддик муножотларига тахмис боғлаганлиги ҳам бунга далилдир. Дилафгор ғазалларида илоҳий муҳаббат, сўфиёна севги мотивлари ҳам куйланади. Шоир аксарият шеърларида ёр гўзаллигига мурожаат қилаётгандек бўлсада, аслида уларда Яратганга бўлган севгисини изҳор қилади.

¹⁶ Ҳамза. Ватандошларима хитоб. // Садои Туркистон, 1914 йил 27-сон. (Бу шеър “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1994 йил 11 март сонисида адабиётшунос И. Ғафуров томонидан эълон қилинган).